*Xotira uyg'onsa go'zaldir*

# ДОНО МУРАББИЙ

Йирик файласуф, давлат ва жамоат арбоби Иброҳим Мўминовнинг номи фақат биз учун эмас, балки бутун Марказий Осиё халқлари учун қадрлидир. Иброҳим Мўминовнинг хизмати шундаки, у мустамлакачилик, якка ҳокимлик тазйиқига қарамай, ўз асарларини улуғ бобокалонларимиз яратган меросни ўрганишга бағишлади. Унинг йирик файласуф олим сифатида шаклланиши маъмурий-буйруқбозлик, яккаҳокимлик тизими ўз салбий таъсирини фалсафа фанига ҳам ўтказган вазиятда содир бўлди.

1933 йили Иброҳим Мўминовнинг «Гегель фалсафасининг рационал мағзи», «Алишер Навоий - буюк маърифатчи» ва бошқа асарлари чоп этилди. 1941 йили «Гегель диалектикасининг мағзи» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқладики, у маҳаллий миллат вакиллари орасида биринчилардан бўлиб, фалсафадан илмий даража олишга эришган эди.

Иброҳим Мўминов 1946 йили Самарқандда нашр этилган «Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари» китоби билан Ўрта Осиёдаги ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихининг илмий таҳлилини бошлаб берди. 1950 йили эса ўзининг кўп йиллик тадқиқотлари натижаси сифатида «XIX аср охири - XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиёти тарихидан» мавзуида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. «Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиши тарихи масаласига доир (X асрдан XX аср бошларигача)» (1954) номли асарида муаллиф Ўзбекистон халқининг фалсафий ҳамда социологик таълимотлари ривожининг асосий босқичларини, бу даврларда ижод қилган Бедил, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Навоий, Машраб, Турдий, Аҳмад Дониш, Муқимий, Завқий, Ҳамза, Айний каби йирик мутафаккирлар қарашларини таҳлил этди. «XIX аср охири - XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиёти тарихидан» номли монографиясида эса Туркистоннинг Россияга мустамлака давридаги маданий ҳаёти, мафкураси, ижтимоий-сиёсий тараққиёти ёритилган.

Марказий Осиёда яшаб ўтган буюк олимлар билиш назариясини Европа файласуфларига нисбатан анча илгари баён этгандилар. И.Мўминовнинг «Али Қушчининг бир трактати тўғрисида» мақоласидан маълумки, у мавжуд дунё моддий нарсалардан иборат, моддий нарсалар эса оддий ва мураккаб ҳолатда бўлиб, уларда қарама-қаршилик бор, дейди.

Файласуф олимнинг билиш тўғрисидаги фикри умумлашган тарзда қуйидагича баён этилган: «...Инсон тафаккури ўтмишни ҳам, ҳозирги даврни ҳам билишга ва келажакни кўришга қодирдир. Умуминсоний билим тафаккурда, айрим шахслар онгида ривожланиши мумкин ва ифодаланади. Муайян тарихий даврда яшаётган айрим кишилар онгининг ривожланиши тарихий ҳаётнинг ижтимоий-иқтисодий тузуми билан характерланади, тарихий ижтимоий-иқтисодий шароитга боғлиқ бўлиб, улар билан белгиланади».

30-70-йилларда Ўзбекистонда фалсафа фанининг ривожланиши бевосита Иброҳим Мўминов номи, кўп қиррали илмий ва ташкилотчилик фаолияти билан боғлиқ. У қадимги замон юнон фалсафасини, Ўрта асрлардаги Ғарб ва Марказий Осиё фалсафасини, Марказий Осиё халқлари фалсафий, ижтимоий-тарихий тафаккурининг қадим замонлардан то асримизнинг 70-йилларигача бўлган даврини, минтақамиз халқлари фалсафаси, маданияти, адабиётини чуқур, ҳар томонлама тадқиқ этди ва моҳирона ўзлаштирди ҳамда ўз асарларида ўтмиш олимларига бўлган муносабатини холисона ифода қилди. Ўзбекистонда 30-70-йилларда шаклланиб, камол топган файласуфлардан фақат Иброҳим Мўминовга республикада фалсафа мактабига асос солиш насиб этди. Олим фалсафа мактабининг ҳақиқий ташкилотчиси эди ва у ўз шогирдларини ана шу мактабга уюштириб, жипслаштириб тарбиялаш ҳамда уларнинг куч-ғайратини илмий ижодкорлик ишига сафарбар этиш қобилиятига эга эди. Иброҳим Мўминов фалсафа мактабининг юзага келганини ундаги миллий онгнинг бошқа кишилардагига қараганда олдинроқ шаклланганлиги натижаси, деб ҳисоблаш мумкин. Маълумки, миллий онг муайян ижтимоий вазифани бажаради. Бу жиҳатдан олганда ўзбек халқининг, Марказий Осиё халқларининг ўз мустақил миллий давлатини вужудга келтиришга интилиш ғояси алломамиз асарларида объектив равишда ўз ифодасини топган.

Иброҳим Мўминов фалсафага доир тадқиқотлар ва малакали файласуф ходимлар тайёрлашни илмий жиҳатдан мувофиқлаштирувчи марказга айланган фалсафа ва ҳуқуқ институтига бошчилик қилиб, 20 дан ортиқ фан доктори, юзлаб фан номзоди тайёрлади. Шуни таъкидлаш ўринлики, устознинг бевосита ғамхўрлигида Ўзбекистонда Ж.Бобоев, А.Валиев, И.Исҳоқов, К.Ерзин, Н.Мирошхина, В.Ларин, Х.Расулов каби йирик файласуф олимлар етишиб чиқадилар. Иброҳим Мўминов ўз шогирдлари ишларини чуқур таҳлил этиб, уларнинг фалсафа фани олдида турган муҳим вазифаларини аниқ белгилаб берди.

Айни пайтда у йирик тарихчи олим ҳам эди. Унинг илмий тадқиқотларини мутолаа қилган ўқувчи Марказий Осиё халқларининг маданий-тарихий илдизи чуқурлигига, бу илдизлар узоқ ўтмишга бориб тақалишига иқрор бўлади. Бу нарса собиқ совет ҳокимияти йилларида шаклланган ҳақиқий маданият бу минтақага Ғарбдан, чунончи, Россиядан келганлиги тўғрисидаги ғайриилмий ақидаларни фош этади.

Иброҳим Мўминов ўз асарларида ҳукмрон ҳокимият билан ижодкор олимлар, фозиллар, донишмандлар ўртасидаги келишмовчиликлар жамият умумий тараққиётига катта салбий таъсир кўрсатишини таъкидлаб, буни Маҳмуд Ғазнавий билан Беруний ҳамда буюк «Шоҳнома» муаллифи Фирдавсий ўртасидаги зиддиятли ҳолатлар асосида исботлаб беради.

Босқинчилик, мустамлакачилик сиёсати нафақат бутун-бутун халқларнинг жисмоний жиҳатдан қирилиб кетишига, шу билан бирга, уларнинг маънавий меросининг йўқ бўлишига, жамиятда эса иқтисодий таназзулларга олиб келади. Олимимиз ушбу умумий ҳақиқатни янада ривожлантириб, Чингизхоннинг Мовароуннаҳрга қилган босқинчиликлари мисолида ҳар қандай ҳудудий тажовуз пировард натижада умумбашарий қадриятларнинг сусайишига олиб келади, деган илмий хулоса чиқарди.

Олимнинг илмий салоҳияти, айниқса, собиқ совет тоталитар тизими «қора рўйхати»га кирган ва «таъқиқлаб қўйилган» мавзуларга қўл уришдек илмий жасоратида яна бир бор акс этди. Биз бу ўринда унинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» номли машҳур тадқиқотини назарда тутмоқдамиз. И.Мўминов шўро империяси исканжасига қарамай, Амир Темур фаолиятига биринчи бўлиб холисона баҳо берган жасур олим эди.

Иброҳим Мўминовнинг ўзбек халқи олдидаги юксак хизматлари ҳисобга олиниб, номи абадийлаштирилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтига, Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 38-мактабга унинг номи берилди. Тошкент шаҳри кўчаларидан бири унинг номи билан атала бошлади.

«Республикамизда жаҳон фани ва техникаси, фалсафа ва ҳуқуқ ютуқларини эгаллаб олган ва шу билан бирга ўз халқига яқинликни сақлаб қолган кишилар жуда кўпдир. Бундай кишилар Ўзбекистоннинг XXI аср сари ташлаган қадамида бизларнинг кашшофларимиздир. Айни ўшалар жамиятнинг энг ташаббускор негизини ташкил этади, бутун халққа ижобий таъсир кўрсатади, унинг кучига ишонч бахш этади». Йўлбошчимиз И.Каримовнинг бу фикри Иброҳим Мўминовга ҳам тўла тааллуқлидир. Чунки бу инсон ҳақиқий миллатпарвар, ватанпарвар, том маънодаги қомусий олим ва доно мураббий эди.

**Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ,**
**Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси,**
**фалсафа фанлари доктори, профессор**

*Huquqshunos ilhomlari*

## ГУЛ ОЧИБДИ ЭНДИ СЕВГИМИЗ



### ЁМҒИР

*Белбоғини ечди булутлар,*
*Қаттиқ-қаттиқ аксирди осмон.*
*Намойишга отланиб ўтлар*
*Яшилликдан туғ тутди шу он.*

*Мудрар чоллар каби кўр тикиб*
*Чакмон ташлаб елкага қирлар.*
*Уфқ барин гоҳ шар-шар сўкиб*
*О, фалакка чақмоқ дўқ урар.*

*Қизиқ ўйин, ғалати ўйин,*
*Кўк йиғисин ёқиш шунчами?*
*Мотамсаро этмакми тўйин...*
*Уфқ - бўғизланган ғунчами?*

*Бир бор дардин айтмайин кўкка*
*Ўйчан замин хўрсинур оғир.*
*Солиб ўзин бепарволикка*
*Ёға-ёға қорайди ёмғир.*

### Абдужалолга

*Бугун ўтди, эрта ҳам ўтар,*
*Тутиб бўлмас йиллар этагин.*
*Вақт ўғринча йўталиб қўяр,*
*Такрорлаб-да эски эртагин.*

*Мусаффолик тортаркан хира*
*Ёшинг анча улғайган сари.*
*Ҳамма нарса сендан ётсираб*
*Ўзин олиб қочади нари.*

*Қизларга гап қотмоқлик уят,*
*Жувонга ҳам ёқмас эркалик.*
*Соч тутамлаб ўйлайсан фақат:*
*Ёшликка хос экан «серка»лик.*

*Сиполикнинг диёрида бот*
*Мекойил, на Исрофил бўлдик.*
*Кўндик нима тутса гул ҳаёт,*
*Аъшор битсак қувончга тўлдик.*

*Ўша-ўша содда, сипойи,*
*Ўша-ўша жайдари ўғлон.*
*Балчиқ йўлда юрмадик тойиб,*
*Бахтимиздан нурланди замон.*

*Биз заминга бегонамасмиз,*
*Ҳужайрамиз меҳридан бутун.*
*Бармоқ тишлаб ўтди не-не зот,*
*Лек дунёга бўлмади устун.*

*Хўп алдади ҳийлагар йиллар,*
*Гулханида ёқди сезгимиз.*
*Дўстим, бу кун қартайсак-да гар,*
*Гул очибди энди севгимиз.*

### ОЙИМҚИЗГА

*Ким синдирди, ҳой ойимқиз*
*Дарчангизни.*
*Билмас эдим ўшангача*
*Тош отмоқни.*
*Ғалвир солиб эладингиз*
*Барчамизни,*
*Мен қурғурга ўргатдингиз*
*Гап қотмоқни.*

*Ой юзингиз ойна бўлса,*
*Менда не айб.*
*Дарчангизга кўзгу солсам*
*Боқмасангиз.*
*Оғангизга аччиқ қилиб,*
*Қовоқ уйиб,*
*Бунча жеркиб, пўстагимни*
*Қоқмасангиз.*

*Ёлғонми бу итингизга*
*Қопирдингиз,*
*Дод солгандим, хандон кулиб*
*Юзландингиз.*
*Жангал кечиб, тўсиқ оша*
*Чопирдингиз,*
*Қарта чиймай, ҳа, ҳозирча*
*Тузладингиз.*

*Шошманг ҳали бир чақайин*
*Боймомга,*
*Бошда тугун, йўлга тушар*
*Азон чоғи.*
*Нозингизни қилиб кўринг*
*Оймомга,*
*Сизни кутар чимилдиқнинг*
*Зар қучоғи.*

*Менда не айб, келиб-келиб*
*Сизни севсам,*
*Ўзингиз-ку ўргатдингиз*
*Гап қотмоқни.*
*Чимилдиқда фақат, фақат*
*Сизни кўрсам...*
*Йўқ, унгача бас қилмайман*
*Тош отмоқни.*

**Ўроз ҲАЙДАР**



# АСКИЯ — ҚАЛБ ТУҒЁНИ

## У ҚАНДАЙ «ПОРТЛАГАНИНИ» БИЛМАЙ ҚОЛАСИЗ...

***Мамлакатимизда Қорасув шаҳри (Андижон вилояти) деганда ҳамманинг кўз олдига машҳур жаҳон бозори-ю, миллий ҳунармандчилик ўчоғи - пичоқчилик намуналари келади. Аммо санъатсеварлар, кулги шинавандалари кўз олдига эса машҳур аскиячилар, уста ва шогирд Абдулҳай махсум Қозоқов ва Ҳасанбой Султоновларнинг ичакузди аския-ю, ҳангомалари, қаҳ-қаҳ отиб турган ҳолатлари намоён бўлади. Биз Сайилгоҳда Ҳасанбой акани учратиб қолиб, сиз азиз муштарийлар билан учрашувга таклиф этдик ва унинг ижодий йўли, аскиячилик муаммолари ҳақида суҳбатлашдик.***

**- Ҳасанбой ака, бир қарашда аскиячилик ҳар бир ўзбекнинг қонида бор дейишади. Лекин бу гап ким хоҳласа аскиячи бўлаверади, degани эмас. Бунинг учун ўзига хос туғма талант, қолаверса, сўз санъати бобида алоҳида фаҳм-фаросат керак. Лекин бу соҳада ҳам барибир устознинг ўрни бўлакдир...**

- Бўлмасамчи. Устоз бўлиши шарт. Санъатнинг бу турида одам битта қирра билан кўринмайди. Аския деgани бу зўрма-зўраки гаплар йиғиндиси-ю, шарақлаб осмонни бошига кўтариб кулиш эмас. Аския бу - ҳар кимнинг ҳам фаҳм-фаросати етавермайдиган нозик сўз санъати. Аския бу - юракдан чиққан кулги. Бунинг учун унда нозик қочирим, дилбар лутф, ҳаётнинг ғоятда нозик нуқталарини чуқур англаш, ўзбек тилидаги бир сўзнинг минг жилосини билиш лозим. Бундан ташқари асkiянинг очиқ ва ёпиқ турлари борки, буни давранинг руҳиятига қараб, ҳисобга олмоқ лозим. Киши ҳар томонлама зукко бўлмаса, аскиячи бўлолмайди.

**- Ўзингизнинг устозларингизга келсак...**

- Кўз очиб кўрган устам Маҳсум ака, кейин раҳматли Мамажон тоға. Лекин шу етти ёшларимда тўйларда раҳматли Мамажон тоға ва Маҳсум акаларнинг аскияларини қулоғимга қуяр эдим. Тўққиз ёшимда Ғанижон Тошматовлар Қорасувга концертга келишиб, Муҳаббат Мусаева деган ўт-олов конферансье аёл билан қилган аскиясини тинглаш билан «кўзим очилган» бўлса ажаб эмас. Бундан ташқари отам Султонбой Мамадалиев санъатини дилдан севар, ликопча билан катта ашулалар ижро этар эди.

**Суҳбатимизда иштирок этаётган Ҳасанбой аканинг аскиячи дўсти Қаҳрамон ака Абдувоҳидов тек ўтиролмай, унинг лақабига ишора қилиб аския бошлаб юборади.**

- У вақтда Ҳасанбой акангизни фақат «кўзи очилмаган» эмас, шу билан бирга «қулоғи ҳам кесилмаганди» **(гурра кулги).**

- Ҳар қалай биринчи марта қаерда ва кимникида аскияда «чўқишқанингиз» эсингиздан чиқмагандир?

- Ҳе, бўлмасам-чи, Қўрғонтепада Убайдулла Мамашоев, Раҳматулла Урайимов деган жўраларим бўларди. Улар билан гап-гаштакларда тонг отгунча аския қилиб «чўқишар» эдик. Аммо кўпчиликнинг ўртасига чиқишга юрак дов бермасди. 65-йиллар... Маҳсум акалар роса кучайган пайтлар. Устозларнинг салобати шунчаликки, ҳатто аския машқ қилишимизни улардан яширар эдик...

- Барибир қўлига тушгансиз-ку - яна суҳбатга аралашиб аския қилади Қаҳрамон ака. - Нақ эсимда бор. 1968 йилнинг 25 апрел куни, никоҳ тўйимда мен хотиннинг қўлига тушганман, сиз Маҳсум аканинг. Чунки сиз ўшанда биринчи марта у билан аския айтишгансиз. Сизга ўша-ўша устознинг меҳри тушиб, қўлдан чиқармайди. «Эргаштириб юргани-юрган».

- Сиз ҳам унинг «орқасидан қолмайсиз» **(яна кулги. Суҳбат баҳона аския қизиганидан руҳланиб биз ҳам аския-суҳбатни давом эттирамиз).**

- Ҳасанбой ака, Сизни катта саҳнага ҳам Маҳсум аканинг ўзи «еталаб» чиққан дейишади?

- Ҳа, ўша 68-йилнинг августида уста бизнинг уйга борибдилар. Отамга айтибдики республика газетасида эълон чиққан. Тошкентдаги Пушкин боғида аския кечасида қатнашишимиз керак.

Дарҳақиқат, ўша куни газета қўлимга тушиб қолди. 4-бетда эълон. Машҳур аскиячилар қаторида менинг ҳам исми-шарифим. Яна кимлар билан денг «Амин бува, Ғойиб тоға, Маҳсум ака...»

Аммо ўша кунлари азадор эдик. Онамиздан айрилган эдик. Секин отамга қарадим.

- Бормасанг бўлмайди, ўғлим. Ўлганнинг орқасидан ўлиб бўлмайди. Қолаверса, Маҳсум сенга ишониб айттирворибди.

Отамнинг гапи далда бўлдию, қайдасан Тошкент деб йўлга равона бўлдим. Устозлар билан биринчи марта катта саҳнада хумордан чиқиб аския қилдик. Бўлди кулги, бўлди қаҳ-қаҳа. Мендан бахтли инсон йўқ эди дунёда. Шу-шу саҳнадамиз. Республика аскиячиларининг барча кўрик-танловларида, Намангандаги гул байрамларида, бошқа кулги кечаларида баҳоли қудрат қатнашиб келаяпмиз. Бизнинг лутфимиздан бир кишининг бўлса ҳам юзида табассум жилва қилса бахтимиз ўша, тахтимиз ўша. Абдулҳай маҳсум Қозоқовнинг этагидан қўйвормай келаяпмиз.

**- Аския боғида гул теришингиздан Сизни фақат санъат учун туғилган деб ўйлайди, киши. Аслида эса Сиз физика ва меҳнат ўқитувчиси бўлиб, ўн беш йил муаллим, ўн йил мактаб директори, бир неча йил ўқув комбинати раҳбари бўлиб ишлаб келгансиз. Қайси соҳада ишқ билан ишладингиз, қайси бирида ҳавас билан... Палакни босиб олган бўлсак, узр...**

- Мухбирларда кўп маълумотлар бўлади, деб бежиз айтишмас экан-да. Дарҳақиқат, ўқитувчилик бу менинг касбим, санъат эса менинг... У кимлар учундир кўнгил эрмаги бўлиши мумкин, мен учун эса қувонч ва дард. Шу боисдан ҳам кейинроқ санъат соҳасига бутунлай ўтиб кетдим. Аммо маорифда бутун қалб қўримни бериб ишлаганман. Қолаверса, яхши ишлаганим учун енгил автомашинани ҳам мукофотга шу соҳада олганим бор.

**- Қорасувда ҳамма аскиячи дейишади. Бу ерда аския мактаби анъаналари давом эттириладими? Аскияда мажозий образ, кўчма маъно ва лақаблар тўғрисида нима дея оласиз.**

- Ҳа, шаҳримизда аскиячи кўп. Маҳсум аканинг атрофига уюшган ўз мактабимиз бор. Лекин кўча-кўйда, тўй-ҳашамларда катта-кичик, ёш-яланг билан оқсоқоллар билан аския қандай қизиб кетиб қолганини баъзан ўзимиз ҳам сезмай қоламиз. Аския ана шундай қалб туғёни, қандай «портлаганини» билмай қоласиз.

Қолаверса, аския бағоят нозик сўз санъати. Аскияда мажозий образ ва мақсад бўлмаса қизимайди. Ваҳоланки, аскияда биринчи навбатда ҳаё ва парда бўлиши керак. Лақаблар эса пайровларни янада бойитади. Яна битта гап, ука. Аскияни тушуниш учун чинакам тоза, бутун қалби билан ўзбек бўлиши, ўзбек тилининг бой ва бетакрор гўзалликларини юракдан ҳис қилиши керак. Аввалги замонлардагидек, ўрис мактабда ўқиган «чала ўзбеклар» бўлса бунақа аскияни тушунишмайди, яна кулиш ўрнига анграйиб тураверади.

**- Аёллар аскиясига қандай қарайсиз?**

- Улар ўз даврасида аския қилганлари маъқул.



**- Ҳуқуқшуносларга тилакларингиз?**

- Халқимизда қози адолатли бўлмаса дардингни кимга айтасан, деган гап бор. Шунинг учун ҳуқуқшуносларимизга фақат ва фақат адолатли бўлишларини тилайман. Адолатни ўрнатиш эса заҳматли, игна билан қудуқ қазишдек сермашаққат иш. Шунинг учун уларни тез-тез аския айтишиб, юракларини ёзиб қаҳ-қаҳа отиб туришларини хоҳлайман. Агар бизнинг Қорасувга ташриф буюрсангиз, шаҳримиз ҳокими Мурoджон Шерматов, шаҳар судининг раиси Хислатилло Эргашбоевларнинг биз билан бемалол «беллашиб» аския айтишларининг гувоҳи бўласиз.

**- Аския-суҳбатингиз учун ташаккур. Кулгу шинавандалари бахтига соғ-омон бўлинг Ҳасанбой ака.**

**Суҳбатдош:**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ**




-Қизиқ, ҳаётингда неча марта ичгансан? -сўради Бекри Мустафодан.

- Қасам ичиб айтаманки, ҳаётимда мен фақат бир марта ичганман, шундан бери бош оғриғи қиламан, холос, - жавоб берди Бекри.

***

Дўкончи хотинига:

-Бугун Алимнинг дўконидан ҳеч нарса харид қилма.

-Нега? - таажжубланиб сўрабди хотин.

-Унинг тарозиси бузилиб қолибди. Бизникида савдо қилаяпти.

***

Катта қопда юк кўтарган габровалик автобусда бораётир.

Ундан қопдаги юк учун ҳам ҳақ тўлашни талаб қилишди. Габровалик таажжубланиб деди:

-Ахир, кўраяпсизку қопни ўзим елкамда кўтариб турибман.

***

Мен кеча Тоте билан бирга тушлик қилишимни билдириб, унинг номига хат қолдирувдим. Тавба, бугун келсам Тоте уйида йўқ.

-Таажжубланма. Демак, у хатингни олибди...

**Тўпловчи:**
**Шаҳзодбек**

КЕЛГУСИ СОНДА:

**Оғзи қийшиқ бўлсаям, бойнинг ўғли гапирсин экан...**

*Лекин терговчи пулдорларга бош эгмади.*

**«ҚОРАДОРИ» ЖИЛВАСИ**

***ёки билмайин тиканни босган аёл***

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Сафар НАЗАРОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салима ҚИЛИЧЕВА
Зайниддин ИСЛОМОВ
Ҳамза ЗОКИРОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-048. Тиражи-10.000. **Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00**

Навбатчи:
А.ОТАБОЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
Ж. ТОҒАЕВ
терувчи:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:700047 Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Телефон, факс: 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.

